

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА МАДАНИЙ МЕРОС БОЙЛИКЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

С.Данабоев

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бухгалтерия ҳисоби таълим юналиши 2-босқич талабаси

Т.Файзуллаев

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бухгалтерия ҳисоби таълим юналиши 2-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

Ушбу мақолада биз маданий мерос бойликларидан самарали фойдаланиш, асраш ва инвеститсия жалб қилиш йўлларини кўриб чиқдик.

Таянч сўзлар: Инвестор, номоддий маданий мерос, моддий маданий мерос

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ, “номоддий маданий мерос” тушунчаси урф- одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар томонидан, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади.

Номоддий маданий мерос қуйидаги соҳаларда намоён бўлади: а) ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шакллари, шу жумладан, айни пайтда тил номоддий маданий меросни акс эттирувчи омил сифатида; б) ижро санъатида; в) жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари; г) табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар йиғиндиси; д)

анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

21 асрга келиб мураккаб тузилиш касб этаётган туризм икки асосий муаммони очиб беришга кўмаклашади: туристик ресурсларни капиталлаштириш ва сайёҳларнинг келиши ва уларнинг қулайлик борасидаги эҳтиёжларини қондириш мақсадида инфратузилмавий имкониятларни ривожлантириш. Улардан биринчиси ўта сезгир бўлгани ҳолда, унинг аслини сақлаб қолиш долзарб саналади. Бунда экологик тавсифдаги табиий ва антропоген ландшафтларнинг ўзгармаслиги назарда тутилади. Иккинчи бошқа бир томондан эса, инфратузилма объектларининг мавжудлиги ва уларнинг сифати ташриф буюрувчилар оқими ва уларнинг талабига мос равишда шаклланади ва ташриф буюрувчиларнинг талабларига ўта сезгир ҳисобланади. Туристик инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги ёки уларнинг мутлақо мавжуд эмаслиги ташриф буюрувчи туристлар оқимининг чекланишига олиб келади. Бунда ҳар бир туристик маҳсулот ёки туристик йўналишдан келиб чиққан ҳолда, инфратузилмани яратишга ҳаракат қилиш лозим. Шунингдек, турар жой ва умумий овқатланиш объектларининг номувофиқлиги ёки қониқарсиз сифати транзит туризм фойдасига ишлайди ва бундан албатта маҳаллий иқтисодиёт катта зарар кўради. Маҳаллий туристик турар-жой ва нотурар жой фонди, маҳаллийлаштириш бинолари, жалб қилиш, талабни қутблаштириш вазифасини бажаради. Туристик салоҳият ва имкониятлардан фойдаланишга туртки берувчи инфратузилмавий қувватлар туристик фонддан фойдаланишни рағбатлантириш, уни фаол омилга айлантиришга хизмат қилади. Бизнинг фикримизча, туризм ривожининг муваффақияти ҳам айнан мана шунда ўз ифодасини топади.

Сўнги йигирма йил ичида жойлаштириш базаларининг ривожланиши амалда туризм турларидан келиб чиққан ҳолда, бевосита талаб таъсири остида юз берди. Инвесторларнинг молиявий маблағларини жалб қилиш, ноқулай ҳудудларда солиқ имтиёзларини жорий қилиш, экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлашга етарлича эътибор қаратилаётган бир пайтда, ёшлар томонидан туристик ташаббусларнинг илгари сурилиши ижобий ҳолатдир.

ЮНЕСКО томонидан маданий мерос бойликларини умумжаҳон, минтақавий ва маҳаллий (миллий) маданий мерос бойликларига ажратган ҳолда муҳофаза қилиш таклиф қилинган. Ҳар бир маданий мерос жаҳон даражасида ёки бирор минтақа даражасида ўз қадрига эга. Шу сабабли бу меросларни сақлаш борасида аниқ чора тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Маданий мерос объектларини жойлашинуви ва аҳамиятига кўра жаҳон мероси, минтақавий аҳамиятга эга мерос ва маҳаллий меросларга бўлиш мумкин. (1-расм).

ЮНЕСКО томонидан доимий равишда сақлаш ва уни келажак авлодларга етгазиш зарур бўлган маданий мерослар қаторига инсониятнинг номоддий маданий мероси элементлари ҳам киритилиб боради. Бугунги кунда дунёдаги бир қанча урф одатлар ва анъаналар ушбу рўйхатга киритилиб келинмоқда. Бу рўйхатда Хитой 40 та номоддий мерос билан етакчилик ҳисобланса, кейинги ўринларда Япония 21, Жанубий Корея 20, Испания 19, Франция ва Туркияда 18 тадан, Хорватияда эса 17, Мўғилистонда 15 ва Ўзбекистонда 10 та номоддий маданий мерос киритилган. Мамлакатнинг анъаналаридан ташқари айрим минтақаларнинг умумбашарий байрам ва анъаналари (навруз ва миллий ўйинлар) киритилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси конвенциясини 2008 йилда ратификация қилиниши мамлакатимиздаги номоддий меросни сақлаб қолишга, ҳимоя қилишга ва унга туристларни жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистон Республикасининг бир қанча анъаналар ва қадриятларини ўзида мужассамлаган

номоддий меросларимиз киритилиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу конвенцияга 10 та 12 миллий кадрятларимизни ўзида жамлаган номоддий меросларимиз киритилган. Хусусан даставвал 2008 йилда иккита номоддий меросимиз “Шашмақом” ва “Бойсун маданий муҳити”, 2009 йилда “Катта ашула”, 2014 йилда “Аския”, 2016 йил “Палов маданияти ва анъаналари” ва “Наврўз байрами”, 2017 йилда “Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази, анъанавий технологиялардан ясалган атлас ва адрасларни муҳофаза қилиш”, 2019 йилда “Хоразм ракси, Лазги”, 2020 йилда “Миниатура санъати” ва 2021 йилда “Бахшичилик санъати”лари киритилган.



1-расм. Маданий мерос объектларини жойлашинуви ва аҳамиятига турланиши

Давлат рағбари ва ҳукуматимиз томонидан яна бир қатор номоддий маданий меросларимизни ушбу рўйхатга киритиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 йилда ушбу конвенцияга “Ўзбекистон кулолчилик мактаби”, “Хунармандчиликнинг анъанавий услуги” ва “Рубоб чалиш санъати”, “Марказий Осиёда анъанавий каштачилик услуги”, “Хўжа Насриддин қиссаларини айтиш анъанаси” каби номинацияларни киритиш мақсад қилинган. Хулоса қилиб айтганда, биз бугунги кунда маданий мерос бойликларимиздан самарали фойдаланиш йўлларини кўриб чиқдик.

Бугунги кунда маданий мерос бойликларидан самарали фойдаланиш ва асраш долзарб масалалардан бири ҳисобланиб давлат аҳамиятигача кўтарилди. Уларга инвестицияларни жалб қилган ҳолда жуда кўплаб иш ўринлари яратиш

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография.-Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. -184 б.
2. <https://madaniymeros.uz/>
3. <https://static.norma.uzhttps://lex.uz> 13. www.e-tours.ru – деловые туры, выставки, конференции